



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР press



www.hamkorpess.uz



t.me/hamkorpess_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2022 йил 28 июль 14 (417)-сон

hamkor.press@mail.ru



ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИНИНГ ҚЎЛҚОПЛАРИ ► 4-БЕТ

Андижонда тикилмоқда

Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Унда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Агар референдумда қабул қилинган қарорларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши, ўзгартирилиши мумкин.

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Ана шундай умумхалқ овоз бериш жараёнлари халқимизнинг ҳеч бир қатламида бефарқ қолдирмаслиги лозим. Чунки, эркин ва демократик давлатда яшайётган ҳар бир фуқароннинг референдумда иштирок этиши унинг конституциявий ҳуқуқидир.

2022 йилда давлатимиз ва халқимиз ҳаётида Конституциявий ислохотларни умумхалқ референдуми орқали амалга оширилиши билан боғлиқ катта сиёсий воқеа бўлиб ўтади. Президентимиз томонидан 2022 йил 16 июнда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиришлар киритилди.

► (3-бетда ўқинг).

ОЛТИ ОЙДА ЙИЛЛИК РЕЖАНИ БАЖАРДИК

5-БЕТ

ЁШ
ДЕХҚОНДАН
15 КИЛОЛИК
ТАРВУЗ

6-БЕТ.

ЮРАК ҲАҚИДА
ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

7-БЕТ.

"ПАХТАКОР" ЮТГАН КУН
БИЗНИКИДА
БАЙРАМ"

8-БЕТ.

КУН ҲИҚМАТИ:

Илм олиш дастлаб ахлоқий покликни талаб қилади. Шунингдек, таълим ва тарбия бир бутунликни кўрсатади, фақат шу борлиққа амал қилган шогирдлар камолот сари бора олади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

Шу куннинг нафаси

КАДАСТР
ЎЎЖЖАТИНГИЗ ЙЎҚ
БЎЛСА...

Президент кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқишга топшириқ берди.

1 октябрга қадар кадастр ҳужжатлари йўқ хонадонларнинг электрон базаси шакллантирилади. Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Кадастр агентлиги ахборот хизмати раҳбари Неъмат Отамуродов маълум қилди.

Жорий йилнинг 18 июль куни Президент раислигида ўтказилган йиғилишда 2 миллион 600 мингта хонадоннинг кадастр ҳужжатлари мавжуд эмаслиги таъкидланди. Кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш белгиланди.

Қайд этилишича, бу янги тартиб ишлаб чиқилаётган қонунда ўз аксини топади.

Унгача ишчи гуруҳ томонидан:

- 1 октябрга қадар маҳаллабай кадастр ҳужжати бўлмаган хонадонларнинг электрон рўйхати шакллантирилади;
- уй-жойга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга асос бўлувчи ҳужжатлар тўпланади ва электрон базага киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЯШАШ
УЧУН ЭНГ АРЗОН
10 МАМЛАКАТ
ҚАТОРИДА

Numbeo онлайн маълумотлар базаси дунёдаги энг катта шаҳарлар ва мамлакатларнинг яшаш қиймати бўйича давлатлар рейтингини тузди. Ўзбекистон яшаш қиймати бўйича дунёдаги энг арзон 10 мамлакат қаторига кирди.

Истеъмол нархлари индекси бўйича Бермуда етакчилиги қилмоқда. Кейинги ўринларда Швейцария, Норвегия, Исландия ва Япония. Истеъмол нархлари индекси маълум вақт оралиғида истеъмол савати товарлари ва хизматларига ўртача нарх даражасини кўрсатади. Бунга озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи, ресторанлардаги нархлар, транспорт ва коммунал хизматлар кирди.

Рақамлар Нью-Йоркка нисбатан таққосланган. Агар индекс 133 бўлса, демак яшаш қиймати бу шаҳарга қараганда 33 фоиз қимматроқ. Ушбу индикатор бўйича Ўзбекистон 130-ўринни эгаллаб, энг арзон 10 та давлат қаторига кирди. Рейтингда ҳаммаси бўлиб 135 мамлакат иштирок этди.

Бермуда, Гонконг, Сингапур, Люксембург ва Швейцарияда турар жойни ижарага олиш энг қиммат, Афғонистон, Покистон, Куба, Непал ва Жазоирда энг арзон нархлар кузатилди.

Ресторанга бориш учун Бермуда, Швейцария, Исландия, Норвегия, Данияда кўпроқ пул керак бўлади. Ресторан учун энг кам нархлар Тунис, Жазоир, Покистон, Ҳиндистон ва Шри-Ланкада тўланади. Дунё мамлакатлари ва шаҳарларида яшаш харажатлари рейтингини йилга икки марта Numbeo онлайн маълумотлар базасида пайдо бўлади. Бу база бутун дунё бўйлаб истеъмолчиларнинг сарф-харажатлари ва нархлари тўғрисидаги жуда катта статистик маълумотларни қайта ишлашдан сўнг яратилган.

РЕЙСЛАР СОНИ ҚИСҚАРТИРИЛМОҚДА

Амстердамнинг Схипхол аэропорти иқлим ўзгариши, шовқин ва ҳаво ифлосланишига қарши курашиш учун йиллик қабул қилинадиган рейслар сонини камайтирмоқчи.

Аэропорт раҳбарияти ҳаво бандаргоҳи ҳар йили у орқали ўтадиган рейслар сонини камайтириши ҳақида эълон қилган. Нидерландия расмийлари бунинг бир қанча сабабларини тилга олган, аммо улардан асосийси иқлим ўзгариши, шовқин ва ҳаво ифлосланишига қарши курашдир.

Қайд этилишича, 2023 йилдан бошлаб Схип-



Европада эса учинчи энг гавжум аэропортдир.

хол аэропорти орқали ўтишига рухсат бериладиган самолётлар сони йилига 440 мингтача чекланади. Ҳозир уларнинг сони 500 мингта етган.

Схипхол Нидерландиянинг асосий халқаро аэропорти,

Associated Press агентлигининг хабар беришича, Германиянинг шарқий қисми ва Чехия шимолида бир неча юз ўт ўчирувчи ўрмон ёнғинлари билан кескин курашмоқда.

ШИДДАТЛИ
ЎРМОН
ЁНҒИНЛАРИ
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Олов куруқ қарағай ўрмонлари кўп бўлган Бранденбург федерал штати бўйлаб тез сурьатларда тарқалган. Ўт ўчирувчилар у ерда жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишларига тўғри келмоқда, чунки бу ҳудудда ҳали ҳам Иккинчи жаҳон урушидан қолган ўқ-дориларга қоқиби кетиш хавфи юқори.

Расмийлар Чехия билан чегарадош Хрженско шаҳридан 80 кишини эвакуация қилган. 400 нафар ўт

ўчирувчи эса ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлган. Бироқ вазият ҳали ўз ўрнига қайтганича йўқ, олов чегара орқали Германиянинг Саксония федерал штатига ҳам ўтган.

Польша ва Словакия чехиялик ўт ўчирувчиларга ёрдам бериш учун вертолётлар жўнатилганини эълон қилди. Шунингдек, немис ҳарбийлари ёнғинни бар-тараф этиш учун Чехияга тўрта вертолёт жўнатишга ваъда берган.

MCDONALD'S РОССИЯНИ
ТАРК ЭТАНИДАН СЎНГ
1,2 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР
ЗАРАР КЎРДИ

McDonald's овқатланиш тармоғи Россияни тарк этиши муносабати билан 1,2 млрд. доллар зарар кўрди.

Компаниянинг соф фойдаси 2022 йилнинг иккинчи чорағида 1,9 бараварга камайиб, 1,19 млрд. долларни ташкил этди.

McDonald's'нинг солиштир-



ма сотуви чорақда дунё бўйлаб 9,7 фоизга, АҚШда эса 3,7 фоизга ўсди.

Аввалроқ McDonald's Россиядан бутунлай чиқиб кетишини маълум қилганди.

TESLA 170 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЙЎҚОТДИ

2022 йил 2-чорақ ҳисоботида Tesla биткоинга сармоя киритиб, криптовалютагани қадрсизлантирганидан кейин 170 млн. доллар зарар кўргани ҳақида хабар берди.

Компания 2021 йил бошида биткоинга 1,5 млрд. доллар сармоя киритган.



2022 йил 20 июлда Tesla ўзининг биткоинларининг тахминан 75 фоизини сотганини эълон қилди. Бу баланс-ни 936 млн. долларга оширди.

Компанияда тахминан 218 млн. долларлик биткоин активлари қолди.

Охириги икки ой ичида криптовалютагани қиймати бир неча марта тушиб кетди.

САУДИЯ
АРАБИСТОНИДА
ЮҚОРИ
ТЕХНОЛОГИЯЛИ
ОСМОНЎПАР БИНО

Қироллик шахзодаси Муҳаммад бин Салмон Миср пирамидаларини яратувчилар билан курашишга қарор қилди.

Лойиҳа бир-бирига параллел жойлашган иккита осмонўпар бинони ўз ичига олади - баландлиги 487 м. ва узунлиги 120 км.

Режага кўра, осмонўпар биноларда 5 миллионга яқин одам яшайди.

ИНФЛЯЦИЯНИ ЖИЛОВЛАШ
УЧУН ОЛТИН ТАНГАЛАР
МУОМАЛАГА КИРИТИЛАДИ

Зимбабведа инфляцияни жиловлаш учун қонуний тўлов воситаси сифатида олтин тангалар чиқарилди.

Маҳаллий валютага бўлган ишончни ошириш учун марказий банк ана шундай қутилмаган чорани амалга оширди.

Халқаро валюта жамғармаси маълумот-

ларига қараганда, 2008 йили мамлакатда гиперинфляция 5 миллиард фоизга етган. Натижада кўпгина чакана савдо вакиллари Зимбабве долларини тўлов воситаси сифатида қабул қилмай қўйди. Унинг ўрнига камбё бўлиб қолган АҚШ долларини маъқул кўрмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи маслаҳат учрашувида иштироки ва ундаги нутқи республикамиз ҳаётида унутилмас воқеаликка айланди. Чунки мазкур тадбир таъкидланганидек, минтақамизнинг тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги йўлида яна бир қадам бўлди.

ДЎСТЛИК ВА ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК ЙЎЛИДА

Марказий Осиёнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамма вақт қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлган. Бугун бу масала янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки бир қатор хорижий давлатлардаги нотинчликлар бизни тинчлик йўлида биргаликда ҳаракат қилишга чақирмоқда.

Учрашувда кўтарилган масалалар унда иштирок этган давлатлар учун жуда муҳим. Мисол учун, иқтисодиёт соҳасида кўзда тутилган режалар давлатларни бири-бири билан боғлаш баробарида ривожланишга, ишлаб чиқаришда янги марраларга бошлайди.

Энергетика, энг аввало, сув, кўёш ва шамолдан электр олишни жадал ривожлантириш, электр энергиясини ўзаро етказиб беришни ташкил этиш; сувни тежайдиган ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратишни тақлим этиш, дея таъкидландилар.

Албатта, бу йўналишда биз ҳали у қадар катта натижаларга эришганимиз йўқ. Агар биргаликда иш олиб борилса, муаммога ўрин қолмайди. Халқимиз учун ҳамма вақт зарур бўлган иқтисодий ислохлардан ҳоли қилиш, электр энергияси таъминоти ва ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларга чек қўйилади.

Умуман олганда, Марказий Осиёнинг тинчлиги ва барқарор тараққиёти йўлида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбир ўз олдига қўйган мақсадига эришди, деб айтиш мумкин. Бу келгусида давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўз ифодасини топади.

Мадаминжон МАДАЗИМОВ,
Андижон давлат тиббиёт
институтини ректори.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шу ўзгаришларга кўра референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан ҳам кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланди. Манфаатдор ташкилотлар, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида округ комиссияларига референдум ўтказилишига кечи билан 10 кун қолганида маълум қилади (илгари 15 кун эди). Шунингдек, кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларига бориши ҳақида референдум ўтказувчи участка комиссиясини камидан 3 кун олдин хабардор қилиши керак. Сийёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи таркибига кирувчи шахслар референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзоларига референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатлари ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

компенсация тўланади. Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устида қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Қолаверса, мазкур

кўра, комиссиялар мурожаатларга уч кунлик муддатда ёзма жавоб беради, референдумга олти кун қолганида ёки овоз бериш кунини келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқади.

261-модда билан чет давлатларда турган фуқароларни овоз берувчилар рўйхатига киритиш тартиби кўрсатиб ўтилди. Унга кўра хорижда бўлиб турган ҳамюртларимиз мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган референдум ўтказувчи участка комиссияларига уларни овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритиш тўғрисида референдумдан ўн беш кун олдин ёзма шаклда ёки Ташқи Ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин. 352-моддага кўра эса чет давлатларнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида муддатидан олдин овоз бериш фуқаронинг турган жойидан ўтказилиши мумкин. Шунингдек, қонунга кўра, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатларига ўзгариш киритиш референдумга беш кун қолганида тўхтатилади.

Қамолитдин АМАНОВ,
ҳуқуқшунос.



Референдум – бу Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир.

қонунга 251-261-352-моддалар қўшилди.

Жумладан, қонуннинг 251-моддаси билан референдум ўтказувчи комиссиялар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби белгиланди. Унга

Тошкентлик 27 ёшли Муслим Ҳакимов интернет сайтларининг бирдан мустақил равишда артизан нон тайёрлашни ўрганиб, ойига 5 минг доллар даромад тоپяпти. Унинг нонлари 22 соат давомида тайёр бўлади. Нархи ҳам меҳнати ва мазасига яраша. "Breadby Muslim" асосисси бўлмиш бу ёш йигитнинг фаолиятини бир сўз билан "бизнесга айланган новвойчилик", деб баҳолаш мумкин.

Ҳар кун эрта тонгда иш бошлайдиган Муслимнинг ғовакли ва қарсилдоқ нонларини қандай тайёрлаши қизиқ. Жараён хамиртуруш билан бошланади. Айнан хамиртуруш – новвойнинг бош маҳсулоти, узиз нон тайёрлаб бўлмайди. Қизиги, бу хамиртуруш 4 йилдан бери ишлатилади.

Туркияда ишлаб чиқарилган, кучли иситиш қувватига эга печ сифатли нон маҳсулотлари тайёрлашда асосий роль ўйнайди. У тахминан 40 дақиқада нон пиширадиган даражада қизийди. Шу сабаб хамир тайёрлашдан аввал ёқиб қўйилади.

Маҳсулотлар хамир қориш ускунасига солиб,

НОВВОЙЛИКДАН ОЙИГА 5 МИНГ ДОЛЛАР

аралаштирилади. Ҳароратини ўлчаган ҳолда сарёғ ва ёнғоқ оз-оздан қўшилади. Ҳамир тайёр бўлгач, нон янада мазали чиқиши учун бугдой унidan ҳам фойдаланилади. Муслимжон қандай қилиб новвой бўлиб қолгани, Москвада орттирган тажрибаси ҳақида шундай дейди:

— Чизишни жуда ёқтирганим учун мактабда архитектор бўлман, деб юрардим. Аммо архитектор эмас, новвойга айландим. Аввалига Чорсу бозорида кийим сотдим, ундан кейин 4 йил савдо агенти

сифатида "Pepsi" компаниясида ишладим. Кўп меҳнат қилганимга қарамай, натижа кўзга кўринмади. Қўлимдаги ошпазлик дипломи билан 2017 йилда дўстим билан ресторанда иш бошладим. Лекин бу ишим ҳам



узок чўзилмади. 2018 йили Москвага бориб, кондиторлик қилдим. Ўша пайтлари франциялик машҳур новвойнинг китобини ўқиб, ундаги бизнесга боғлиқ барча сир-асрорларни ўрганиб бордим. Катта ўзгаришлар қилиш учун Тошкентга қайтдим ва ўз хизматларимни "Cake Lab", "BeFit" каби кафе-ресторанларига тақиф қилдим. Улар-

дан ижобий жавоблар келгач, фаолиятимни бошлаб юбордим.

Албатта, бошида ҳаммаси осон кечмаган. Хунарни яхшилаб ўрганиб олишимга роппа-роса 2 йил кетди, амалиётга татбиқ қилишга, хатоларимни тўғрилашга интилдим. Келишув асосида кафе-ресторанларга нон етказиб бера-

БИЗНЕСГА ЙЎЛ

ман. Маҳсулотлар сонини кўпайтириш мақсадида ҳамкорларимизга ширинликлар тақиф қиламан. Ахир ширинлик ҳам нонку. Маҳсулотларимизни ҳар кун янгилаб борамиз.

Шу ўринда савол туғилади: бу ишни бошлаб олиш учун қанча сармоя кетади? Нон маҳсулотларининг таннари, ускуна нархлари, харажатлар ва албатта, бу бизнесдан қанча даромад кўриш мумкин? Ёш тадбиркор айтганидек, ҳаммаси оддий, ҳаракат ва меҳнатга боғлиқ.

Бугун пойтахтдаги ресторани ва тамаддиҳоналарда Муслимбек тайёрлаган нонларга талаб ортиб бораётгани унинг қанчалик даромад қилаётганини кўрсатади. Соф фойда ўзи айтганидек сирлигича қолсин.

Иброҳим САМАТОВ,
Тошкент.

**Балиқчилик
тадбиркор
Ашурали Аҳмедов
рахбарлигидаги
“Mini-teks”
масъулияти
чекланган
жамиятида
спорт буюмлари
ишлаб чиқаришда
катта мактаб
яратилган. Бу
ерда тайёрланган
футбол ва
волейбол тўплар,
бокс қўлқоплари,
қўйингки ҳар
бир маҳсулот
харидоригир.**



ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИНИНГ ҚЎЛҚОПЛАРИ

Андижонда тикилмоқда

— Болаларимизга тўп сотиб олганимизда уларнинг қувончига шерик бўлибмизу, қандай тайёрланишини ўйлаб кўрмаган эканмиз. Саккиз йилдики, “Mini-teks” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб келяпман. Ҳар гал коптоклар тайёрлаётганимизда болаларча шуқуҳни, завқни ҳис қиламан. Нафақат кичкинтойлар, балки, ота-оналарга ҳам қувонч улашаётганимиздан хурсанд бўлман, — дейди корхона ишчиси Мадинахон Эгамбердиева.

Мазкур корхона 2007 йилда ташкил қилинган бўлиб, асосан спорт анжомлари ва буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу борада ҳамкорларини ҳам топди ва ҳатто экспорт қила бошлади. Кундан-кунга талаблар орта бошлади, ривожлантириш учун қўшимча маблағ зарур бўлди.

“Hamkorbank” АТБнинг Чинобод филиалидан олинган кредитлар эвазига хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий техник жиҳозлар келтирилди. Иш курулларининг созлиги ишлаб чиқариш ҳажмини оширди. Яна банкдан молиявий кўмак олинди. Бу бир неча бор такрорланди. Иш унумдорлиги ортди. Янги иш ўринлари яратилди. Изла-

ниш ва тинимсиз меҳнат билан муваффақиятларга эришилди.

— Юртимизни дунёга танитаётган боксчиларимиз айнан биз ишлаб чиқараётган қўлқоплардан фойдаланади. Уларнинг ғалабасида ҳиссамиз борлигидан қувонаман. Спорт анжомларини тайёрлаш осон эмас. Биргина коптокнинг ўзи беш босқичда тайёрланади. Жараённинг масъулияти ва машаққати ҳам шунга яраша, — дейди тажрибали ишчи Салима Исмонова.

Айни пайтда тадбиркор Ашурали акага ўғли Жалоллиддин Аҳмедов кўмакчи. У иқтисод йўналишида таҳсил олгани боис корхонада иш бошқарувчи. Ёш, изланувчан бу тадбиркорнинг режалари катта. 60 дан ортиқ ишчига бошчилик қилади. Балиқчининг Хўжаобод қишлоғида яшовчи хотин-қизлар ундан мамнун.

Маҳаллий бозорда спорт маҳсулотларига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Оилавий тадбиркорлар маслаҳатлашиб, МЧЖ тармоғини кенгайтиришга киришдилар. 2015 ва 2017 йилларда “Magna sport” ҳамда “Ratex” масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди. Мақсад қўшимча иш ўрин-

лари яратиб, қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш ва уларнинг фаровон турмушларига ўз ҳиссаларини қўшишдир. Шундай ҳам бўлди.

— Бу 2 корхона “Mini-teks”нинг 2 қўли. Бичиш, бўйаш ишлари шу ерда бажарилади. Тикиш, қадоқлаш учун қулай жой. Сифатга эътибор катта. Дастлабки йилларда маҳсулотларимизни чет давлатларига ҳам экспорт қилгандик. Ҳозирги кунда бунга эҳиёж йўқ. Ички бозорда доимий харидорларимиз бор, — дейди Жалоллиддин Аҳмедов.

“Mini-teks” МЧЖнинг йиллик айланма маблағи 10 миллиарддан ошди. “Magna sport” ҳамда “Ratex”ни қўшадиган бўлсак, 300 мингтадан ортиқ 30 турдаги спорт маҳсулотлари сотуви йўлга қўйилган. Айланма маблағ ҳам 40 миллиардга яқин.

—Энг намунали миҳозларимиздан бўлган бу 3 корхонанинг ривож ва аҳоли бандлигини таъминлашда ҳиссамиз борлигидан хурсандмиз. Зеро биз банк ходимларининг мақсади Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва ривожлантириш, тадбиркорларга ёрдам бериш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, — дейди банкнинг Чинобод филиали корпоратив хизматлар бўлими кредит мутахассиси Бобомурод Маҳмудов.

Ҳар бир инсон ҳалол, пешона тери билан даромад топиб, шу орқали оила фаровонлигини, дастурхон тўқинлигини таъминлаш, элу юртга наф келтириш ҳамда жамиятда муносиб ўринга эга бўлишга интилади. Бу балиқчилик тадбиркор Ашурали Аҳмедовга ҳам хос. Муваффақиятга меҳнат билан эришилади! Бу унинг доимий шиори.

Н. ИБРОҲИМОВА.

Б. МУТАЛЛИБОВ олган суратлар.

Наманган муҳандислик институтини 2012 йилда тамомлаган Ақрамжон Пайзиматов таълим олган йўналиши бўйича ишлашдан кўра тадбиркорлик қилишни афзал билди. Дастлаб якка тартибдаги чакана савдо билан шуғулланди. Малакаси ошгач қурилиш корхонасини очди ва буюртмалар асосида цемент етказиб бериш хизматини кўрсата бошлади.

ЙИЛЛИК ДАРОМАД — 256 МИЛЛИОН

—Кези келганда айтиш керак, ҳар бир тадбиркор маҳсулот ва хизматлар бозорида ўз ўрни ва миҳозига эга бўлишни хоҳлайди. Бунга ҳар қим турли йўллار билан эришади. 2012 йилда кўпчилик шуғулланмаган соҳани танлаш ёки бозорда камёб маҳсулотни истеъмолчилар эътиборига ҳавола этиш йўли билан муваффақият қозонишга кўзим етди ва шу бизнесни танладим, — дейди тадбиркор.

Эллик тоннагача юк кўтариш қувватига эга улкан автомобилани бошқаришни ўзи бўлмайди. Ундай автоуловларни бошқариш учун инсонда катта “юррак” бўлиши керак. “BEKOBOD OHANGARON QUVASOY SEMENT SAVDO” МЧЖ ҳайдовчиларининг шунга яраша “юррак”лари бор. Бекобод, Оҳангарон ҳамда “Қувасойцемент” цемент ишлаб чиқариш корхоналари билан шартномалар тузилди. Аҳоли ва турли ташкилот, корхона ҳамда йирик савдо дўконларидан қабул қилинган буюртмалар асосида маҳсулот етказиб бериш хизматини йўлга қўйди. Дастлаб кичик юк ташувчи машиналар билан бошланган диллерлик хизмати эндиликда 50 тонна-



лик юк кўтарадиган йирик-йирик машиналар билан давом этмоқда. Алишер Мўминов, Рустам Ҳолмирзаев, Жалол Жўраев каби малакали 8 нафар ҳайдовчи ишга қабул қилинди.

Тадбиркорнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш “Hamkorbank” АТБнинг устувор мақсади. Банкнинг Наманган минтақавий филиали бу борада ташаббускор.

— “BEKOBOD OHANGARON QUVASOY SEMENT SAVDO” масъулияти чекланган жамияти йирик миҳоз сифатида ҳамкоримиз. 500 миллионлик кредит тўловларини вақтида амалга ошириб келяпти, — дейди филиал раҳбари Ўктамжон Эргашев.

— “Hamkorbank” билан ҳамкорликни йўлга қўйиб адашмаган эканмиз, — дейди тадбиркор. — Кредит эвазига корхонамиз анча қаддини тиклаб олди. Биз каби тадбиркорларга кўрсатилаётган эътибордан хурсандмиз. Тармоғимизни кенгайтириш мақсадида 200 миллионлик кредит учун хужжатлар топширганмиз. Яқин кунларда қўлимизга тегади.

Йиллик айланма маблағларини 8 миллиардга етказгунча жамоа тинимсиз меҳнат қилди. Ҳозирда йиллик даромад 256 миллион. Ишчи-хизматчиларнинг рўзғори бут. Рағбатлантириш юқори бўлгани боис кайфият ҳам аъло.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.



Бу осон бўлмади, албатта. Жамоадаги бирдамлик, меҳнат ва изланиш билан эришдик. Банк ходимининг мақсад ва вазифаси юртимиз иқтисодий ривожланишига ҳисса қўйиш, аҳоли турмуш фаровонлигига эришиш ва бундан албатта иқтисодий манфаат кўришдир. Демак, биз бу борада самарали ишларни амалга оширялмиш. Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун хизмат қилиши бош шiorга айланган кичик молия муассасамизда кўрсаткичлар шунинг учун ҳам юқори.

Жорий йилда Банк — молия академиясини тугалладим. Апрель ойидан буён Фарғона банк хизматлари офисига раҳбарлик қилиб келялман. Мен келгунимга қадар бу жойда аҳил-иноқ жамоа шаклланиб бўлган экан. Узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келаялган тажрибали ходимларга соҳа борасида ўргатиш зарурати йўқ. Ҳар бири ўз ишини билиб қиладиган ва касбини севадиган инсонлар. Шу боис улар билан тез тил топишиб кетдим.

Албатта ёшларни қўллаб-қувватлайдиган, биланларини ўргатадиган, қўйингки, устоз даражасига етган "Hamkorbank" АТБнинг Қувасой филиали раҳбари Фарҳод Маҳсудов, устоз ҳамкасбимиз Шаҳбоз Жўраевлар кўмагига суяниб иш ташкил қилдик. Натижа ёмон эмас, фахрланишга арзирли. Юқорида таъкидлаганимдек, аввало, аҳолига ёрдам ва унинг замиридаги иқтисодий ўсиш.

Олти ойда кўзда тутилган йиллик режани бажаришни уйдасидан чиқдик.

"ОЛТИ ОЙДА ЙИЛЛИК РЕЖАНИ БАЖАРДИК"

Яъни жорий йилнинг илк чорагидан бир нафар ходимга тўғри келадиган даромадни 25418 минг сўмга бажаришга эришилган бўлса, иккинчи чорақда бу кўрсаткич 63637 минг сўмга кўтарилди. Йиллик соф фойда режаси 1200.5 млн. сўм эди. Шу муддатда йил давомида бажарилиши керак бўлган олти ойлик соф фойда 234,4 фоизга, йиллик соф фойда режасини 111,3 фоизга бажардик.

Ўтган вақт давомида фоизсиз даромадларимиз ошди. Айнан юридик шахслар учун ҳам спот амалиётларининг жорий этилиши юқори самара берди. Биргина май ойида 71758



минг сўмлик даромад олишга муваффақ бўлдик. Ҳамкасбларим томонидан кўрсатилаётган хизматларни "қониқарли" деб айта олишим ҳам шундан. Буни кундан-кунга мижозлар сони ортиб бораётгани ҳам тасдиқлайди. Ҳозирда яқка тартибда фаолият олиб бораётган 50 дан ортиқ ҳамкорларимиз бор. Юридик мижозларимиз сони 60 дан ошди. 1500 нафар жисмоний шахсга хизмат кўрсатамиз. Уларнинг бир марталик тўловлари RS дастури орқали амалга оширилади. Бунда ҳам режадаги кўрсаткичлар бажарилди.

Йирик мижозларимиз ҳам талайгина. "Sunfinite", "Kuvasay fruits citi", "Business

black oil", "Max black star oil", "Oqtepa suvsoz", "Woorun corporation", "Kompleks konstruksiya servos" масъулияти чекланган жамиятлари қаторига янгилари қўшилмоқда. Ҳар бир мижоз алоҳида эътиборда.

Қўлга киритилаётган ютуқларда биринчи тоифали менежер стратегик ходим Шаҳбоз Жўраев, изчил ходим-менежер Шоҳруҳ Набиев, янгиликка интилувчан кассир Абдуазиз Аҳмедов, сергак ва моҳир Сурайё Солиевларнинг ҳиссаси катта. Бирдам ва ҳамisha изланишда бўлган жамоамиз билан фахрланаман.

Жаҳонгир РАЖАБОВ.

ДУНЁДАГИ ТЎРТИНЧИ ЭНГ БОЙ ОДАМ

Ҳиндистонлик миллиардер Гаутам Адаи Bloomberg миллиардерлари индексига кўра, Билл Гейтсни тахтдан тушириб, дунёдаги тўртинчи энг бой одамга айланди.

Унинг бойлиги 113 миллиард долларга ошиб, Microsoft асосчисини (унинг 112 миллиард доллари бор) ортда қолдирди.



Бу йил ҳинд магнати капитал ўсиши бўйича ҳаммадан ўзиб кетди, у 36 миллиард долларга бойиб кетди. Гейтснинг бойлиги камайди, чунки у хайрия ташкилотларига катта миқдорда хайрия қилган ва технология компаниялари акцияларини сотган.



— Алло, ассалому алайкум. Бу Муборак опами?

— Ҳа, менман, — деган мулоим овоз эшитилди нариги томондан.

Товуш оҳангидан дарҳол танидим. Ҳа, бу ўша қўрғонтепалик "Hamkorbank" фахрийси Муборак Турғунбоева. У билан фахрийларнинг ал-Фарғоний дам олиш уйига уюштирган саёҳат давомида танишган эдим. Опага мақсадимни билдирдим, учрашув жойини белгиладик. Қаҳрамоним айтилган вақтда етиб келди.

"Уэр, иссиқда юролмайман, яқинда шифохонадан чиқдим, шунга салқинроқда гаплашайлик деди", — хижолат чеккандек бўлиб опа. Суҳбатимиз шундай бошланди.

"НАМКORVBANK" БИЛАН БАХТЛИМАН"

САРАТОН ҲАМЛА ҚИЛДИ

2019 йилда соғлигим ёмонлашди. Текширувлар менга саратон ташхисини қўйди. Шундан кейин бир оёғим онкология шифохонасида бўлиб қолди. 6 марта кимётерапия муолажасидан сўнг жарроҳлик амалиётини бошдан кечирдим. Даво чоралари ўз натижасини бериб, ҳаётга қайтдим. Аммо шу йилнинг бошида ўзимда ўзгариш сездим. Текширтирсам, ўсма яна бош кўтарибди. 6 курс кимётерапия қабул қилдим. Мана, ҳозир анча тетикман.

Биласизми, менга шундай оғир пайтда "Hamkorbank" ва у яратган муҳит далда бўлди. Қўрғонтепадаги

ҳамкасбларим ва Бош банкдаги ходимлар тез-тез ҳолимни сўраб турди. Даволанишим учун маблағ ажратди. Уларнинг меҳр-оқибатидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Балки, мана шу эътибор касаллиқни енгишимда муҳим роль ўйнагангидир.

Бемор пайтимда далда бўлган, куч берган барча яхши нарсалар, ўйлаб қарасам, "Hamkorbank" билан боғлиқ экан. Ҳамкасбим Ирода Ғофурова саратонга йўлиққанганимни эшитгач, ҳар томонлама ёрдам кўрсатди. Буларнинг барчасига покиза туйғулар, жамоадошлиқнинг қадри баланд турувчи даргоҳда ишлаганимиз ва у ерда орттирган тарбиямиз сабаб бўлди, деб ўйлайман.

16 ЙИЛЛИК ҚАДРДОНИМ

Бундан 23 йил аввал "Hamkorbank"нинг Қўрғонтепа филиали ходимига айланганман. Илк бор пул ўтказмалари бўлими очилганда биринчи оператор сифатида иш бошладим. Банкимизнинг "Қорасув", "Хонобод" шохобчаларида фаолият юритдим. Ишимни жуда яхши кўрар эдим. Фаолиятим пул ўтказмалари айлани ривожланган даврга тўғри келган. У пайтда халқаро ўтказмани фақат нақд пулда олиш мумкин эди. Ҳозиргида қандай ҳам ўтказмалар бўлмаган. Хужжат ишларини қўлда бажариб ҳам бир кунда 200 нафар мижозга хизмат кўрсатардим. Мижозларнинг навбат кутиб турганини кўриб, баъзида тушлик ҳам қилмай қўяверардик.

Ҳозир кўча-куйда юрсам кўпчилик таниб, ҳол сўрайди. Банкдаги 16 йиллик фаолиятим давомида минглаб одамларга чеҳрам таниш бўлиб қолган.

МАҚТАНАДИГАН ЎТМИШИМ БОР

Вужудимни оғир дард таъқиб қилаётган бўлса ҳам бахтлиман. Негаки ўтган кунимдан афсусланмайман. Чиройли хотиралар билан яшаялман. 2014 йил нафақага чиқдим. Лекин амалда ҳануз Қўрғонтепа филиалининг ходимиман, қолаверса, биринчи ва ягона пенсионериман. Ҳеч қайси байрам менсиз ўтмайди. Ишхонага бориб қолсам, кучоқ очиб кутиб олиб, ҳурмат билан кузатиб қўйишади. Нафақадаги ходимини ҳам эътибордан четда қолдирмайдиган яна шундай ташкилотни биласизми? Менимча, бу борада "Hamkorbank" ягона бўлса керак.

Шукр, 3 нафар фарзандим, 7 нафар набирам, 80 ёшга кирган онам бор. Яқинда шифохонадан чиқиб, тўғри ота эшигимга бордим. Бир неча кун кекса онамнинг ўзи парваршлади мени. Оналар учун ҳамisha бола бўлиб қолаверар экансиз.

Нолимайман, ҳаётимда мазмун мужассам. Яқинларим билан куним қандай ўтганини билмай қоламман. Қолаверса, ҳамisha ортимда тоғдек турган жонажон банкким, оқибатли жамоам борлиги катта куч бағишлайди.

Нигора МИРОЛИМ қизи
ёзиб олди.

Шаҳзод Йўлдошбоев Наманган вилоятининг Чуст тумани, Олмос қишлоғида истиқомат қилади. Ёш бўлишига қарамай, ҳар қандай жойга уруғ қадаб, ҳосил олишни уддалайди. Чунки ернинг тилини топа билиш олмосликларга хос хусусият. Деҳқончилик уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Қаҳрамонимиз ҳам юртимизнинг исталган жойидаги экин ерлари билан тиллаша олади. Айни пайтда у онаси Дилором опа ва рафиқаси Ситорахон билан Қўрғонтепа туманидаги қишлоқлардан бирида тарвуз етиштирмоқда.

ЁШ ДЕҲҚОНДАН 15 КИЛОЛИК ТАРВУЗ

нидаги қишлоқлардан бирида тарвуз етиштирмоқда.

— **Шаҳзод, Чустда туриб, бу ерни қандай топдингиз?**

— Деҳқончилик усулимиз шунақа. Қаерда сотиладиган ер бўлса, сўраб-суриштириб, топиб борамиз. Жойи ва суви маъқул бўлиши керак. Шу пайтгача Тошкент вилоятининг Янгийўл, Бўка, Андижон вилоятининг Асака, Қўрғонтепа туманларида деҳқончилик қилдик.

— **Асосан қандай экинлар билан шуғулланасиз?**

— Тарвуз, маккажўхори, ерөнгөк, сабзи.

— **Ер олаётганда нималарга эътибор қаратасиз?**



бўлади.

— **Савдо ёмон бўлмаяпти шекилли. Охириги йилларда қовун-тарвузга бўлган талаб фақат ортмоқда.**

— Ҳа, шукр. Савдогарлар полиздан килосини 1100 сўмдан улгуржи юклаб кетяпти. Шу ердаги аҳолига ҳам арзон нархда сотаямиз. Мана, 21 июлгача 70 млн. сўмлик савдо қилдик.

— **Энг катта тарвуз неча кило бўлди?**

— 15 кило.

— **Бу ернинг одамлари ёқдимиз?**

— Ҳа, албатта, меҳмондўст, содда, самимий инсонлар экан. Бизга фақат яхши муносабатда бўлишмоқда.

Даланинг бир четига ўрнатилган қўлбола қапа, ундаги шароитларни кўриб, ҳақиқатан, бу инсонларнинг меҳнатсевар ва уддабуронлигига амин бўлдик.

Н. ТЎХТАМАТОВА сўхбатлашди.

ТЕЗРОҚ ҚОЧИНГ...

Биринчи таассурот хато, ташқи кўриниш эса алдамчи бўлиши мумкин эканини ҳеч қачон унутманг. Сиз одамнинг қалбига боқинг. Агар унда ўзингизни кўрсатсангиз, унинг олдида тезроқ қочишга урининг.

Негаки, суратингизни қалбига жойлай олмаган одам ҳеч қачон Сизга дўст бўлмайди.

Иброҳим алайҳис-саломни ёндириш учун катта гулхан ёқиётганди. Бу аснода бир чумоли сув таширди. Йўлда кетаркан,

СИЗ ҚАЙСИ ТАРАФДА БЎЛАРКАНСИЗ?

ундан бошқа чумолилар нима қилаётганини сўрашди. “Ҳазрати Иброҳимни ёқиш учун ҳозирланаётган оташни ўчиришга ҳаракат қиляпман”, деди. Буни сўраган чумолилар: “Сен

Мен билган ҳақиқатлар ташиган сув бу баҳайбат гулхани ўчириш тугул яқинига ҳам етиб бор-

қиялман”.
...Менинг бошимга иш тушганда, тасалли берганларни ўша чумолига ўхшатаман. Оллоҳ берган муаммони ҳал қилишга улар қодир эмаслару, лекин мен томонда туришгандан суюнаман.
Сиз қайси тарафда бўларкансиз, билмайман, “дўст”?..

**Нажмиддин
ИКРОМИЙ.**

МАШҲУРЛАР МАКТАБДА ҚАНДАЙ ЎҚИГАН?

Антон Чехов — Рус классик адабиётининг етук намоёндаларидан бири Антон Чехов икки марта синфдан-синфга ўтолмаган. Учинчи синфда математика ва география фанларини ўзлаштира олмагани, бешинчи синфда эса, грек тили имтиҳонини топширолмагани сабабли “ийкилган”. Қизиғи, буюк ёзувчи умрида “тўрт”дан юқори баҳо ололмаган. У тиббиёт институтига киргач, ҳикоялар ижод қила бошлади ва ўзининг бетакрор истеъдодини юзага чиқара олди.

Уинстон Черчилл — Синфнинг энг қоқоқ ўқувчиларидан бўлган. Унинг ўқувсизлигини кўрган муаллимлари “барибир ўргана олмайди” дея қадимги юнон ва латин тили дарсларига киритишмаган. Черчиллнинг адабиёт бўйича

Нобель мукофотини олганини эшитган устозларининг “томи” кетаёзганди.

Альберт Эйнштейн — Нобель мукофотининг соҳиби бўлган ушбу олим ҳам мактабда иккита сўзни бир-бирига қўшолмасди. Нисбийлик назариясини яратиб, дунё илм-фанида инқилоб ясаган бу машҳур олимни ўқувчилик пайтида устозлари сал бўлмаса, ақли заиф болалар учун мўлжалланган махсус мактабга юбормоқчи бўлишган.

Лев Толстой — Унинг олий маълумоти бўлмаган. Тўққиз ёшида ота-онасидан ажраган ёш графни васийлари ўз қарамоғига олган ва унинг ўқишига унча эътибор қаратишмаган. Университетнинг иккинчи курсида ўқийётганида немис тили ва тарих фанларини яхши



ўзлаштира олмаган ва кейинги курсга ўтказилмаган. Шундан кейин у ўқишни батамом ташлаб кетган.

Билл Гейтс — Мактабдаги энг истеъдодсиз ўқувчилардан бири эди. Ота-онаси уни рағбатлантириш учун ҳар бир

СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ

САВОЛ: Никоҳ қандай ҳолларда бекор қилинади?

Э. ХОЛИҚОВ,

Наманган.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 42-моддасига кўра, ўзаро розилиги бўлганда вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади.

Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда, эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Оила кодексининг 43-моддасида эса эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратиш, агар эр-хотиндан бири:

суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибидан ажратилади.

**Саволга ҳуқуқшунос
Муҳаммадусмон
АБДУВАЛИЕВ жавоб берди.**

беш баҳога мукофот ваъда қилишган. Бироқ, барибир бу наф бермаган.

Исаак Ньютон — Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг... у физика ва математикадан жуда ёмон ўқиган. Бошқа фанларга ҳам тиши унча ўтмасди. Умунан у синфдаги энг сусткаш ўқувчилардан эди.

Томас Эдисон — Бўла-жақ ихтирочи ва миллионер Томас Эдисон мактабдаги безорилиги ва иккичилиги учун ўқитувчилари унга таълим беришдан бош тортган. Кейин уни уйда онаси ўқитган.

Александр Пушкин — Ижтимоий фанлардан яхши ўқиган, жуда кўп китоб мутолаа қилган бўлса-да, математикани умуман яхши билмаган. Бу фандан фақат икки олган. Бироқ, бу унинг буюк шоир бўлиб етишишига ҳалал бермаган.

Ф. ОРИПОВА тайёрлади.

Африка азалдан ўзининг сирлари билан бутун дунё бўйлаб тадқиқотчи ва олимларни жалб қилиб келади. У ерда ҳозиргача ўзининг тилсим ва афсоналари, қадимий урф-одатлари билан яшайдиган қабиаларни учратиш мумкин. Жанубий Африканинг шимоли-шарқий қисмидаги Лимпопо провинциясида сайёрамизнинг яна бир сирли артефакти – Фундудзи кўли бор.

Кўлнинг майдони бир ярим квадрат километрни ташкил қилади, чуқурлиги эса 27 метрга етади. Ҳўш, нима учун у олимларни ўзига жалб этади ва нега маҳаллий қабиалар уни муқаддас деб ҳисоблайди?

Суви қора рангга эга ва океандаги каби кўтарилади-пасаяди. Кўлни кўплаб сойлар ва Мутвали дарёси тўйинтиришига қарамай, у тошиб кетмайди, идишга олинган суви йўқолади, сўнг яна пайдо бўлади, сув омборига тушиб қолган ёки ундан сув ичган киши вафот этади.

Вхататзинди қабилиси афсоналарига кўра, қадимда бу ердан бир мохов ўтган экан. У маҳаллий аҳолидан унга озиқ-овқат ва бошпана беришни сўрайди ва рад жавобини олгач, улардан хафа бўлиб маконни фало-

кат гирдобига ғарқ бўлишни сўраб лаънатлайди. Бошқа ривоятлар у ерда кўлни қўриқлайдиган улкан бўғма илон яшаши ҳақида сўзлайди. Маҳаллий аҳоли унга сажда қилади ва вақти-вақти билан маросимлар ўтказиб туради.

бир "оғиз" пайдо бўлиб, йигитни ютиб юборади.

Кейинги тадқиқотлар ҳақиқий олимлар Билл Клейтон ва Алан Эллис томонидан ўтказилган. 1953 йилда улар сирли Фундудзини ўрганиш учун бу жойга келишади. Шишаларга сув намуналари

этади.

Бу жойдаги одамларнинг сирли ўлимига яна бир мисол бир йил ўтиб, 1954 йилда бу ердаги кўп сонли тимсоҳлар (айтганча кўлда улар ўзларини жуда яхши ҳис қилишади) овчилари келганда содир бўлади. Уларнинг



БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТЧИЛАР ВА ҚЎРБОНЛАР

1947 йилда икки ака-ука кўлнинг хавфлилиги ҳақидаги афсоналарни синаб кўришга журъат этади. Улар кўл бўйлаб каноэда сузишга қарор қилишади. Биродарлардан бири қирғоқда қолиб, иккинчиси эса қайиқда сузиб кетади. Кўлнинг ўртасига келиб қайиқ тўхтаб қолади: у на олдинга, на орқага - ҳеч қандай ҳаракат қила олмас эди. Шундан сўнг сувда улкан

олган олимлар эртаси кунни гарчи ёриқ ва тешикларсиз идишлар герметик тарзда ёпилган бўлса-да, ичидаги сув йўқолиб қолганини кўриб ҳайратда қолишади.

Сувнинг йўқолиб қолиши хусусиятини бошқа экспедиция ҳам тасдиқлайди. Худди шу тарзда сув уларнинг ёпиқ идишларидан ғойиб бўлади. Тажрибаларга иштиёқи кучли профессор Бернсайд сувнинг татиб кўриб, бир неча кундан сўнг касалхонада ингичка ичак яллиғланишидан вафот

тимсоҳларга қарата узилган бирор бир ўқи нишонга тегмайди.

Отишма тугагач сувдан улкан қора тимсоҳ судралиб чиқади. Барча овчилар (фақат бир кишидан ташқари) хавфсиз масофага қочиб кетишади. Гарчи қуролдошлари уни чақирса-да, у худди сеҳрлангандек, қимирламасдан жойида тураверади. Натижада йиртқич бечорани тишлаб, сувга судраб кетади.

ОЛИМЛАР ЖУМБОҚ ЕЧИМИГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Бу кўлга сув ҳажмини соатига 12 миллион литр-га ошириб, деярли юзта сой ва битта "салмоқли" дарё қуйилади. Бироқ кўлдаги сув ошиб кетмайди, сув омбори океанга дахлсиз бўлса-да, ҳар кун денгиз ва океанда бўлгани каби сув кўтарилиш ва пасайиш ҳолатлари кузатилади. Бир културм ичилса одамни ўлдиради.

Ҳанузгача Фундудзи кўлининг бу сирлари охиригача очилмаган. Аммо хлор зарралари кашф этилгандан сўнг, кўпчилик унинг мистик хусусиятларининг табиий келиб чиқиши ҳақида гапира бошлади.

Эҳтимол, кўлда жисмоний ҳолатни ўзгартиришга мойил бўлган хром тузлари кўпдир. Тузларга бой сув паст ҳарорат туфайли кечаси кристалланади, натижада сув пасаяди. Худди шу ҳолат пробиркаларда ҳам содир бўлса ажабмас. Хлор тузлари одамлар учун заҳар, шунинг учун уни татиб кўрганлар ҳалок бўлган. Лекин буни тасдиқловчи тадқиқотлар ҳали ўтказилганича йўқ. Африка ўз сирларини сақлашда давом этмоқда.

Баҳора МУҲАММАДИЕВА
тайёрлади.

ЮРАК ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР



* Инсон юраги сирларга тўла. Ёши катталарда у ўртача 300 грамм бўлса, чақалоқларда тахминан 22 грамм оғирликка эга. Яъни, тана вазнининг 0,8 фоизини ташкил қилади.

* Юрак ҳажмини тушунтириш учун оддий ва азалий усул қўлланилади – муштингизни тугинг, юрагингиз ҳажмини билиб оласиз. Энди ўша муштингиз орасига теннис копточасини олиб бор кучингиз билан сиқинг ва юрак қандай куч билан ишлашини англайсиз.

* Катталарда дақиқасига юрак уришлар сони 60-85 та бўлса, чақалоқларда бу кўрсаткич 150 тагача етади.

* Аёллар юраги эркакларникига нисбатан тезроқ уради.

* Инсон ўртача умри давомида юрак қон-томирлари орқали тахминан 1,5 млн. баррел қон ҳайдайди. Оддийроқ тушуниш учун бу 200 цистерна (вагон)га тенг.

* Юракни қувватлантириш, соғлом сақлаш учун яхши кайфият зарурлиги аллақачон ўз исботини топган. Масалан – кулги томирлар таранглигини пасайтиради, бу эса қон айланишини яхшилайди.

Бир киши хотини билан ҳеч яхши чиқишолмайди. Уйда ҳар кун оддий нарсалар туфайли тортишув бўларди. Киши бу тортишувлардан безор бўлиб ажралишни истади. Буларнинг муносабатлари туфайли икки тараф оилаларнинг орасига совуқчилик тушади. Киши бир кун паришон ҳолда, маслаҳат сўраш учун кўпни кўрган, одамларнинг ҳурматини қозонган бир аҳли илм зотнинг олдида бориб, аҳволини айтди. У зот:

— Энди ажрашсанг ҳам ҳеч бир ўзгариш бўлмайди. Бир ой умринг қолибди, нима қилсанг қил, дейди.

Бу гапни эшитган киши даҳшатга тушиб, ранги оқарган ҳолда чиқиб кетади. Йўлда учраган танишларидан рози-ризалик сўрай бошлайди. Уйига қайтиб, "хотин, шунча пайт сени хафа қилдим, яхши эр бўлолмадим, ҳаққинга риоя қилолмадим, мени кечир, мендан рози бўл", дейди.

Хотини, "тавба, бу одамга нима бўлди, бундай гаплар гапиряпти", деб унга раҳми келади:

— Бей, аслида сиз рози бўлинг, мен доим беодоблик қилдим, сизни кўп ранжитдим, дейди.

Икковининг ҳам қалби юмшаб кўзлари ёшланади...

Кейин эр, хафа қайнотасиникига боради. Улардан ҳам йиғлаб розилик сўрайди. Хотини ҳам қайнонасидан кечирим сўрайди. Энди уйда ҳар кун жаннатий ҳаётда яшардилар ва бир-бирларини ҳеч ранжитмасдилар...

Лекин у киши, хотинига, муҳтарам зот айтгани ҳақида ҳеч гапирмайди.



Бир ой тўлишини санай бошлайди. Кунлар яқинлашгунча яхшиликлари ортар, кечалари ибодат қиларди.

Унинг яхши ишлари кўпайгани сари хотинини ҳам, икки оиланинг ҳам муносабатлари илиқлашиб, яхшиликлари ортиб борарди.

Бир ой ўтди. Ҳа, бугун ўлади, эртага эса... Лекин ўлмайди. Аниқ бир ой демади, бир ой атрофида, деди. Балки бир неча кун ҳали бордир, деб ўйлайди.

Бир неча кун кутди, яна ўлмади. Кейин у зотнинг олдида бориб сўрайди:

— Афандим, мен ўлмадим.
— Улиш нимаси? — дейди у зот.
— Афандим, сиз бир ойча умринг қолди, дегандингиз, бир ой бўлди.

Бироқ мен ҳамон тирикман.

У зот эса:

— Биродар, мен сени қачон ўлишингни билмайман, лекин шуни биламанки, ўлим ҳақ, бир кун албатта ўласан. Уладиган одам жанжал, низо билан ҳаётини заҳарламайди. Ҳозирги ҳаётингдан хурсандмисан? — дейди.

— Ҳа, ҳеч тортишмаяпмиз.

— Қани, энди шундай давом этинглар, — дейди у зот.

Оиланинг икки фарзанди гулдай яшнаб улғаядилар. Ҳаётимиздаги кўп муаммолар ўлимнинг ҳақ эканини унутишимиз туфайлидир!

Туркчадан **Марям ОСИЁ**
таржимаси.

МУТОЛАА

Ишдан ташқари суҳбат

Суҳбатдошимизнинг ҳазиломуз жавоби бизни қизиқтириб қўйди. Кейин билсак... "Hamkorbank" АТБ Учтепа филиали маъмурияти ходимлари билан ишлаш менежери Наргиза Баҳромовани банк соҳасида фаолият олиб бораётганига ўн йилдан ошди. Ўтган йиллар мобайнида у катта тажриба тўплади, малакали ходимлар сафидан жой олди. Бизни қизиқтирган мавзулардаги суҳбат жараёнида бугунги зидди, маърифатпарвар, замонга ҳамнафас ўзбек аёлининг ўзига хос жиҳатларини кашф этгандай бўлди.

“ПАХТАКОР” ЮТГАН КҮН БИЗНИКИДА БАЙРАМ”

— Ҳозир юртимизда сиз ўқиган давр (1997-2001 йй.)га нисбатан турли олий таълим муассасалари кўпайиб кетди. Хорижнинг исталган нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олиш имконияти яратилди. Дейлик, ёш абитуриент бўлсангиз қайси институт (ёки университет)да таълим олардингиз?

— Ўзимга қадрдон ва сеvimли бўлган, мутахассис сифатида катта ҳаётга йўллаган Тошкент молия институтига ҳеч иккиланмай ҳужжат топширган ва у ерда билим олган бўлардим. Негаки 1997-2004 йиллар мобайнида бакалавр ва магистрант сифатида жонкуяр ва фидойи устозлардан яхши сабоқ олиб, кредит, банк иши бўйича мутахассисликка эга бўлдим. Очилигини айтганда бу ерда яхши билим беришди, малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилади. Мазкур институтни тамомлаганлар ўз соҳаларида муваффақият билан ишлашмоқда. Иш жараёнида бунга кўп гувоҳ бўлганман. Молия институтидан иш ўрганишга келганларнинг савияси баланд, билими кучли.

— Касбингиз хусусида: ташаббус ўзингиздан чиққанми ё кимларгадир ҳавас қилганмисиз?

— Авваламбор, ўз қизиқишим туфайли бу соҳага интилдим. Иш масаласига келсак... Аввал ишлаган жойим - "Туронбанк" АТБдаги ходимлар билан ишлаш бўлимидагиларга ҳавасим келар.

Телефон жиринглади:
— Эшитаман, мен **Ким**ман.

— Кимсиз?
— Айтдимку, мен **Ким**ман. Ўзингиз ким бўласиз?

— **Кимсан**.
— Мен **Кимман**. Ўзингизни таништирмадингиз?

— **Кимсан**, эшитаябсизми, **Кимсан**!

— Вой тавба, жуда қизиқ одам экансиз! Яна қайтараман, мен **Кимман**.

ди. Уларни ишини кузатардим, қизиқсинардим. "Hamkorbank" АТБга ишга киргач, ҳавасим чинга айланди.

— Билишимизча, ўғлингиз ва қизингиз сизнинг ёки дадасининг соҳасини танлашмабди (яъни бошқа йўналишларда ўқишпти). Уларни ўз касбинларга (банкирлик ёки шифокорлик) қизиқтира олмадингларми? Балки кенжа фарзандингиз...

— Фарзандларимизнинг хоҳишига қарши бормадик. Тўғри, катта ўғлим менга ўхшаб кичкиналигидан аниқ фанларга қизиқарди. Инха университетиде таҳсил олишни истади ва ҳозирда шу ерда ўқипти. Қизимни гуманитар фанлар ва чет тилларига иштиёқи юқори. Шу боис ҳозирда Низомиёв номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг хорижий тиллар факультетиде таҳсил олмоқда. Кенжамиз эса... футболга роса қизиқади. Шунданми футболчи бўлмоқчи. Буняман ўзига хос сабаблари бор.

— Билишимизча, турмуш ўртоғингиз машҳур "Пахтакор" футбол клубида шифокор экан. Хонадонингиз ахли жамоанинг ютуғи ва мағлубиятини қай ҳолатда қаршилайди?

— Турмуш ўртоғим клубга футболга қизиқишидан эмас, касб тақозосига кўра ишга кирган. Ишга кирмасидан аввал оиламиздагилар футболга умуман қизиқшмасди. "Пахтакор"чи бўл-

дию, ҳаммамиз футбол муҳлисига айландик. Жамоанинг ҳар бир ўйинини қизиқиш билан кузатамиз. Ҳалаба куни хонадонимизда байрам, мобо-да ютқазиб қўйса, барчамизнинг кайфиятимиз "ноль" бўлади.

— Сиз яшаётган туман - "Учтепа"ку тушунарли, аммо кўчангиз нега "Тақачи" дейилади?

— Азалдан маҳалламиз, кўчамиз шундай аталиб келинади. Қадимда кўплаб темирчи-хунармандлар яшаб, отлар учун тақалар ясаган экан. Хунарманд боболаримиз касби кори сабабли бу атама ҳамон сақланиб қолган.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз? Севимли машғулотиңгиз?

— Умр аслида жуда қисқа, халқ таъбири билан айтганда, "кўз очиб юмгунча ўтиб кетади". Шу боис ҳар лаҳзасини қадрлаш, яхши ишларга, мақсадларга сарфлаш керак. Дам олиш кунларида ёки бўш вақтимда китоб ўқийман, кенжа ўғлим билан инглиз тилида шуғулланаман. Севимли машғулоти-пазандачилик. Оила аъзоларимиз учун тансиқ таом ва ширинлик пиширишни ёқтираман.

— Вақтингизни аямай саволларимизга жавоб берганингиз учун ташаккур.

Ў. ТУРГУНБЕКОВА
суҳбатлашди.



Қора шоколад инсон соғлиғига таъсир кўрсатадиган озукавий моддалар билан бойитилган. Бу турдаги шоколад какао дарахтининг уруғидан тайёрланади ва дунёдаги энг яхши антиоксидант манбаларининг бири сифатида тан олинган. Тадқиқотлар натижаси шунки кўрсатадики, қуёқ шоколад (шакарсиз) сизнинг соғлиғингизни яхшилайдиган ва юрак хасталигига чалиниш хавфини камайтиради.

ОЗУҚАВИЙЛИГИ

Агар сиз юқори сифатли қора шоколадни харид қилсангиз, унинг тўйимли эканлигига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Қолаверса, унинг таркибиде фойдали бўлган минераллар мавжуд.

Таркибиде 70-85 фоиз какао бўлган 100 грамм қора шоколадда:

кундалик истеъмол меъёрида организм учун темир моддасининг 67 фоизи бор. Шунингдек, у кўп миқдорда калий, фосфор, рух ва селендан таркиб топган.

Какао ва қора шоколад қонни кўпайтиради ҳамда қон босимини пасайтиради. Аммо қон босими юқори одамларда ўтказилган бир тадқиқотда қора шоколад фойда бермаган.

ЮРАК ХУРУЖИ ХАВФИНИ КАМАЙТИРАДИ

Таркибиде юрак хуружига қарши чиқувчи оксид мавжуд. Бу борада бир қанча тадқиқотлар ўтказилган. Шоколадни ҳафтасига икки ёки ундан кўп марта истеъмол қилиш артерияларда классификацияланган бляшка хавфини 32 фоизга камайтиради. Яна бир тадқиқотда айтилишича, қора шоколадни ҳафтасига 5 мартадан кўпроқ истеъмол қилиш юрак хасталиги хавфини 57 фоизга камайтиради.

Таркибидеги биоактив бирикмалар терингизга ҳам фойдали бўлиши мумкин. Флавоноллар қуёшдан ҳимоя қилади, теридаги қонни яхшилайдиган. Шунингдек, терининг зичлиги ва намланишини оширади.

МИЯ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАЙДИ

Яна бир ижобий хусусияти миёя феолиятини яхшилашидир.

Таркибиде какао бўлган қора шоколадлар ақлий заифлиги бўлган кекса одамлардаги когнитив функцияни сезиларли даражада яхшилашга кўмаклашади.

Н.ҲАМРОЕВ.

ҲАЁТДАГИ ҲАНГОМАЛАР

сан" деб сенсирасангиз

ҳам индамаябманку!

— Сиз эса

ўзингизни

таништириш

ни хоҳламайсизда.

— Таништирдим, фамилиям-

— Хуллас, биз бир-

биримизни танимадик, яна

мендан "кимсан?" деб сўра-

ябсиз. Умуман олганда теле-

фонограммани ким айтиб

бердию, ким ёзиб олди

нима фарқи бор? Асосийси

раҳбарга мазмунни етказилса

бўлдида. Лекин, келинг тани-

шиб олайлик: мен

Ким Борис Влади-

мировичман. Сиз-

чи?

— Мен **Кимсан**

Каттаевман.

Ҳар иккала гўшақда сами-

мий кулгу эшитилди.

Расулжон
МУХТОРОВ.

берди?

— **Кимсан.**

— Бир-бири-

мизни бари-

бир танима-

дик. Тушунарли,

Ким ёзиб олди?

— Мен **Кимсан**

Каттаевман.

Ҳар иккала гўшақда сами-

мий кулгу эшитилди.

— Мен **Кимсан**

Каттаевман.

Ҳар иккала гўшақда сами-

мий кулгу эшитилди.

— Мен **Кимсан**

Каттаевман.

Ҳар иккала гўшақда сами-

мий кулгу эшитилди.

— Мен **Кимсан**

Каттаевман.

Ҳар иккала гўшақда сами-

мий кулгу эшитилди.

— Мен **Кимсан**

Каттаевман.

Ҳар иккала гўшақда сами-

мий кулгу эшитилди.

— Мен **Кимсан**

Каттаевман.

КЕЛИНГ, ТАНИШАЙЛИК!



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Навр учун масъул:
Н. ЙУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБЕРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-749 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

